

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“ХОРАЗМ ҲЭҒ” АЖ бош директори

С.М.Берегин

“ 23 ” “ 11 ” 2022 йил



## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАБ ОЛИШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ХУЖЖАТЛАРИ

**ОБЪЕКТ НОМИ:** "Хоразм ҳудудий электр тармоқлари" АЖга таркибидаги Қўшқўпир туман электр таъминоти корхонаси маъмурий бинони янгидан қурилишларини амалга ошириш".

## **Танлов ҳужжатларининг мазмуни:**

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

## **Танлов иштирокчиси учун йўриқнома**

### **1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

**1. "Хоразм ҳудудий электр тармоқлари" АЖга таркибидаги Қўшқўпир туман электр таъминоти корхонаси маъмурий бинони янгидан қурилиш ишларини амалга ошириш".**

Қурилиш объектининг бошланғич қиймати ҚҚС билан бирга ҳисобланганда: **3 289 779 902** (уч миллиард икки юз саксон тўққиз миллион етти юз етмиш тўққиз минг тўққиз юз икки) сўм

1.1 Танлов охириги қиймати - **3 289 779 902** сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.2. Бажариладиган иш турлари техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинади.

Ушбу танлов якунлари бўйича қолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 180 календар кун давомида амалга оширилади.

1.4. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### **2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

**2.1. "ХОРАЗМ ҲЭТ" АЖ** (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади. **"Буюртмачи" манзили:** Урганч шаҳар, Хонқа кўчаси 36/1 уй.

Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.2. Танлов **"ХОРАЗМ ҲЭТ" АЖ** "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган қурилиш-монтаж ишларини амалга оширувчи барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловга иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

3.2.1. Танлов иштирокчиси қурилиш соҳасида электрон рейтинг даражаси камида "СС" бўлиши лозим. Рейтинг кўрсаткичи ([www.reyting.mc.uz](http://www.reyting.mc.uz)) орқали текширилади:

3.2.2. Ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва малакали мутахассисларнинг мавжудлиги; ходимларнинг электрон

дафтарчаларини (*my.mehnat.uz*) сайтида юклаб олиниши, ишчи-ходимлар малакасини тасдиқловчи, кайта тайёрловдан ўтган бўлиши лозим:

- Танлов иштирокчиси ишчи малакали хизматчилари сони-10 дан 20 гача 10 балл;
- Танлов иштирокчиси ишчи малакали хизматчилари сони-21 дан 30 гача 15 балл;
- Танлов иштирокчиси ишчи малакали хизматчилари сони-31 дан юқори 20 балл;
- Танлов иштирокчисининг ўз йўналиши бўйича қайта тайёрловдан ўтган ёки малакасини оширган ҳамда ички назорат, лойиҳавий ёчимлар ва қурилиш сифатига риоя қилишнинг техник назорати бўйича малакасини оширган ишчи ходимлар сони-10 дан 20 гача бўлса 10 балл, 20 дан кўп бўлса 15 балл берилади.

3.2.3. Танлов иштирокчисининг танлов ҳужжатлари қабул қилинадиган кунлар оралиғида асосий ҳисоб рақамидаги маблағлар (ҳисоб рақамида мавдуж маблағ, живой пул) миқдори бўйича қуйидагича баҳоланади.

- Танлов предмети қийматининг 10% гача миқдоридagi маблағга эга бўлса-10 балл (хизмат кўрсатувчи банкдан тасдиқланган маълумотнома);

- Танлов предмети қийматининг 20% гача миқдоридagi маблағга эга бўлса-15 балл (хизмат кўрсатувчи банкдан тасдиқланган маълумотнома);

- Танлов предмети қийматининг 30% гача ва ундан юқори миқдоридagi маблағга эга бўлса-20 балл (хизмат кўрсатувчи банкдан тасдиқланган маълумотнома);

Изоҳ: Агар мазкур танлов шартига кўра танлов иштирокчиси ўз ҳисоб рақамидаги айланма маблағ бўйича йиллик баланс ҳисоботларига асосан хизмат кўрсатувчи банк томонидан маълумотнома тақдим қилган тақдирда максималл 5 балл берилади.

3.2.4. Танлов иштирокчиси етарли машина-механизмлар билан таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

Тендер иштирокчисининг ўз балансидаги ёки ижара шартномасига асосан ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлар тўғрисида маълумот. Ижара ва лизинг асосидаги машина ва механизмлардан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда иштирокчи лойиҳани бажариш даврида ҳақиқий бўлган лизинг ёки ижара шартномасининг нусхасини илова қилиши керак.

3.2.5. Қайта ташкил этилиш (бўлиниш, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганларга. Икки ёки ундан ортиқ пудрат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига рухсат этилмайди.

3.2.6. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида электрон шаклдаги маълумотнома танлов эълон қилинган санага (pdf) шаклда жойлаштириш;

3.2.7. Банкдан муддати ўтган кредит қарздорлиги ҳамда бошқа қарздари мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома танлов эълон қилинган санага (pdf) шаклда жойлаштириш;

3.2.8. Танлов объектига ўхшаш объектларга ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, Охирги 3 йилги тасдиқланган қурилиш-монтаж ишларини қабул қилиш далолатномалари ҳамда электрон счёт фактураларини тақдим қилишлари шарт;

3.2.9. Тендер иштирокчисининг охирги уч йилдаги молиявий аҳволи. (Бунда тендер иштирокчи аудитор компаниясининг ҳулосаси ёки корхонанинг охирги 3 йиллик баланс, молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаларини давлат солиқ органларидан тасдиқланган шаклда илова қилишга шарт.)

3.2.10. Халқаро ва миллий ИСО сертификатлари мавжудлиги (<http://sifat.standart.uz> сайтида рўйхатдан ўтган халқаро ИСО ва миллий ИСО сертификатининг ҳар биттасига 3 балдан

3.2.11. 1 йиллик Ҳисобланган иш ҳақи ҳажми ҳар 25 миллион Ҳисобланган иш ҳақи ҳажмига 1 та балдан (( максимал 5 бал) давлат солиқ кўмитасининг 4 шакл иловаси юклансин))

3.2.12. Давлат солиқ кўмитасининг расмий веб-сайтида шубҳали корхоналар рўйхатиغا киритилмаганлиги; қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлса, унинг гувоҳномаси фаоллиги.Эълон жараёнида бўлган давр ҳолатига солиқ қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги [repository.soliq.uz](http://repository.soliq.uz) дастуридан олинган штрих кодли маълумот.Банкротлик ҳолатида эмаслиги тўғрисидаги маълумот

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда порталга электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

\* Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйидаги техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

\* Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўлов талаблари ва якуний тўловлар, ҳамда бошқа кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифни яэлектрон тарзда [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) махсус электрон савдо порталида жойлаши лозим.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

4.5. Танлов иштирокчиси : - ФАҚАТ БИТТА таклиф бериши мумкин;

4.6. Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларининг ҳаққонийлигига ўзи жавобгар бўлади.

Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдирлар.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилганидан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Танловни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориш шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда, ундан олдин олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

### КЕЛИШИЛДИ

Харид комиссияси раиси :

 Ш.Э.Аллазаров

Харид комиссияси аъзолари :

 О.И.Раджапов

 С.Р.Ғайипова

 Т.Ш.Матмуратов

 А.Б.Каримов

 М.Ш.Назаров

 А.А.Каримов

Харид комиссияси котиби:

 Д.Хасанов